

**Банклараро пул бозорининг UZONIA индексини
(Uzbek OverNight Index Average)
ҳисоблаш ва эълон қилиш
МЕТОДОЛОГИЯСИ**

I. Кириш

Ушбу методология банклараро таъминланган пул бозорида миллий валютада овернайт шартларида амалга ошириладиган операциялар бўйича UZONIA фоиз ставкаси ва UZONIA индексини ҳисоблаш ва эълон қилиш тартибини белгилайди.

UZONIA фоиз ставкаси банклараро пул бозорида тижорат банкларининг миллий валютада ўзаро ликвидлик тақдим этиш ва жалб қилиш операцияларини амалга оширишда кредит, ликвидлик ва бошқа хатарлар минимал бўлган овернайт фоиз ставкаларининг ўртача даражасини ўзида ифода этади. Шунингдек, UZONIA миллий валютадаги ўзгарувчан фоиз ставкали молиявий инструментлар учун асосий кўрсаткич сифатида ишлатилиши мумкин.

UZONIA фоиз ставкаси мазкур методология асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда – Марказий банк) томонидан ҳисобланади ва эълон қилиб борилади.

II. Асосий тушунчалар

1. Ушбу методологияда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

UZONIA (Uzbek OverNight Index Average) фоиз ставкаси – банклараро таъминланган пул бозорида тижорат банклари ўртасида давлат қимматли қоғозлари билан амалга оширилган миллий валютадаги овернайт РЕПО операциялари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси;

UZONIA индекси – 1 сўмлик бирлик учун белгиланган база давридан бошлаб ҳар бир кунлик UZONIA фоиз ставкаларини инобатга олган ҳолда капитализация қилиш орқали ҳисобланган кўрсаткич;

Муддатли UZONIA фоиз ставкалари – пул маблағларининг маълум муддат учун UZONIA фоиз ставкаси асосида ҳисобланган даромадлилик кўрсаткичлари;

Пул бозори ишчи гуруҳи – пул бозорини такомиллаштириш бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳамда Марказий банк ва барча тижорат банклари вакиллари ўз ичига олган ишчи гуруҳ.

III. UZONIA фоиз ставкаси ва UZONIA индексини ҳисоблаш тартиби

2. UZONIA фоиз ставкаси Ўзбекистон республика валюта биржасининг “Банклараро пул бозоридаги электрон савдо платформаси”да тижорат банклари ўртасида давлат қимматли қоғозлари билан кун давомида ҳисоб-китоблари T_0 режимида амалга оширилган овернайт РЕПО операциялари бўйича ҳисобланади.

3. UZONIA фоиз ставкасини ҳисоблашда маълумотлардаги репрезентативликни сақлаб қолиш ва тақсимотнинг ўрта қисмидаги фоизларни акс эттириш учун энг юқори ва энг паст фоиз ставкали операциялар чегирилади.

Бунда, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, 10 фоизлик вазнга эга энг юқори ва 10 фоизлик вазнга эга энг паст фоиз ставкаларда амалга оширилган операциялар ҳисоблаш базасидан чегирилиб, қолган 80 фоиз вазн бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ҳисобланади.

4. UZONIA фоиз ставкасини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида амалга оширилган барча операциялар фоиз ставкалари (R) бўйича ўсувчи кетма-кетликда жойлаштирилади;

б) ҳар бир уникал даражадаги фоиз ставка (R_i) бўйича операциялар ҳажмлари умумлаштирилиб, композит вазн (V_i) ҳисобланади ($i \in 1, \dots, n$, бунда n уникал даражадаги фоиз ставкалари сони).

д) композит вазнлар йиғиндисининг (F) ҳисобланади:

$$F = \sum_{i=1}^n V_i,$$

е) композит вазнлар йиғиндисининг (F) 10 фоизи миқдоридаги энг юқори ва 10 фоиз миқдоридаги энг паст фоиз ставкаларининг композит вазнлари ҳисоблаш базасидан чегирилади;

ф) UZONIA фоиз ставкаси ҳисоблаш базасида қолган 80 фоизлик чегирилган композит вазн бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси сифатида қуйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$$UZONIA = \frac{\sum_{i=1}^k (R_i * V_i)}{\sum_{i=1}^k (V_i)},$$

бунда:

k – ҳисоблаш базасида чегирилган композит вазндаги уникал даражадаги фоиз ставкалари сони ($k \leq n$).

5. UZONIA фоиз ставкасини ҳисоблаш учун банк иш кунида операциялар сони **5 тадан** ҳамда битимлар умумий ҳажми **500 млрд сўмдан** кам бўлмаган овернайт РЕПО операцияларининг амалга оширилиши зарур ҳисобланади.

6. Банклараро РЕПО бозорида банк иш кунида амалга оширилган операциялар сони ва ҳажми мазкур методологиянинг 5-бандида белгиланган шартларни қаноатлантирмаган ҳолларда UZONIA фоиз ставкасини ҳисоблаш базаси қуйидагича ҳисобланади:

- банк иш кунида банклараро пул бозорида амалга оширилган овернайт депозит операцияларининг “80 фоизлик чегирилган” композит вазни UZONIA фоиз ставкасини ҳисоблаш базасига қўшилади;

- агар ҳисоблаш базасига қўшилган банклараро РЕПО ҳамда депозит операциялари умумий ҳажми 500 млрд сўмдан кам бўлса, банк иш кунидаги Марказий банк овернайт депозит операцияларининг 10 фоизига тенг композит вазни UZONIA фоиз ставкасини ҳисоблаш базасига қўшилади. Бунда Марказий банкнинг овернайт депозит операциялари бўйича фоиз ставкаси сўнгги 5 банк иш кунида эълон қилинган UZONIA фоиз ставкаларининг Марказий банк асосий ставкаси билан ўртача тафовутини Марказий банкнинг амалдаги асосий ставкасига қўшиш орқали аниқланади.

7. Агар 6-банддаги амаллар кетма-кетлиги бажарилган тақдирда ҳам ҳисоблаш базасидаги ҳажм 500 млрд сўмдан кам бўлса, унда UZONIA фоиз ставкаси сўнгги 5 банк иш кунида эълон қилинган UZONIA фоиз ставкаларининг Марказий банк асосий ставкаси билан ўртача тафовутидан фойдаланган ҳолда, қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$UZONIA_t = P_t + \frac{\sum_{i=t-5}^{t-1} (UZONIA_i - P_i)}{5},$$

бунда:

t – банк иш куни ($t-1$ – 1 кун аввалги банк иш куни),

P_t – t -кундаги Марказий банк асосий ставкаси,

$UZONIA_i$ – i -кундаги UZONIA фоиз ставкаси,

P_i – i -кундаги Марказий банк асосий ставкаси.

Бунда UZONIA фоиз ставкаси кетма-кет 5 банк иш кунида юқоридаги формулага биноан ҳисобланса, келгуси иш кунидан UZONIA фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси даражасида белгиланади.

8. Дам олиш ва байрам кунлари учун сўнгги банк иш кунидаги UZONIA фоиз ставкаси амал қилади.

9. UZONIA индексини ҳисоблашнинг базавий даври сифатида 2022 йилнинг 5 январ санаси белгиланади. UZONIA индексининг қиймати ушбу санада 100 га тенг бўлиб, индекснинг кейинги қийматлари ҳар бир календарь кун учун қуйидаги формула асосида, йиллик базавий давр – 365 кундан келиб чиққан ҳолда ($\text{actual}/365$ йил кунларини ҳисоблаш усули) капитализация кўринишида ҳисоблаб борилади:

$$UZONIA \text{ индекси}_t = UZONIA \text{ индекси}_{t-1} * \left(1 + \frac{UZONIA_t * n_i}{365} \right)$$

бунда:

$UZONIA \text{ индекси}_t$ – ҳисоб-китоб амалга оширилаётган кундаги UZONIA индекси кўрсаткичи;

$UZONIA \text{ индекси}_{t-1}$ – индекс ҳисобланаётган кундан олдинги календарь кундаги UZONIA индекси кўрсаткичи;

$UZONIA_t$ – индекс ҳисобланаётган кундаги UZONIA фоиз ставкаси;

n_i - $UZONIA_t$ амалда бўлган календарь кунлар сони (одатда 1 кун, ҳафта охирида 3 кун ва байрам кунларида турлича бўлиши мумкин).

10. Пул бозори иштирокчиларига фойдаланишда қулай бўлиши учун Марказий банк томонидан $UZONIA$ фоиз ставкасидан ташқари муддатли $UZONIA$ фоиз ставкалари ҳам эълон қилиб борилади.

Муддатли $UZONIA$ фоиз ставкалари 7, 30, 90 ва 180 кунлик муддатларда ҳисобланади. Келгусида бозор иштирокчиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ушбу муддатли фоиз ставкалари қатори ўзгартирилиши мумкин.

Муддатли $UZONIA$ фоиз ставкалари қуйидаги формула асосида ҳар бир календарь кун учун $UZONIA$ фоиз ставкаларининг капитализация қилинган кўпайтмаси кўринишида ҳисобланади:

$$\text{Муддатли } UZONIA = \left[\prod_{i=t-0}^{t-d-1} \left(1 + \frac{UZONIA_i * n_i}{365} \right) - 1 \right] * \frac{365}{T},$$

бунда:

$UZONIA_i$ – i банк иш куни учун ҳисобланган $UZONIA$ фоиз ставкаси;

n_i - $UZONIA_i$ амалда бўлган календарь кунлар сони (одатда 1 кун, ҳафта охирида 3 кун ва байрам кунларида турлича бўлиши мумкин);

d – давр ичидаги банк иш кунлари сони;

T – муддат давомидаги календарь кунлар сони (7, 30, 90 ёки 180 кун).

11. Исталган давр учун муддатли $UZONIA$ фоиз ставкасини ҳисоблаш қуйидаги формулага биноан амалга оширилади:

$$\text{Муддатли } UZONIA_{\text{давр}} = \left[\frac{UZONIA \text{ индекси}_{\text{давр охири}}}{UZONIA \text{ индекси}_{\text{давр боши}}} - 1 \right] * \frac{365}{T}$$

бунда:

$UZONIA$ индекси давр охири – муддатли $UZONIA$ ҳисобланаётган кундаги $UZONIA$ индекси;

$UZONIA$ индекси давр боши – муддатли $UZONIA$ ҳисобланаётган кундан T календарь кун аввал ҳисобланган $UZONIA$ индекси;

T – муддатли $UZONIA$ даври давомидаги календарь кунлари сони.

IV. UZONIA фоиз ставкалари ва индексининг эълон қилиниши

12. UZONIA фоиз ставкалари ва UZONIA индекси ҳар бир банк иш куни учун банк иш куни якунланганидан сўнг Марказий банк томонидан ҳисобланиб, кейинги иш куни соат 10:00 га қадар Марказий банкнинг расмий веб-сайти, телеграм канали ва бошқа ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

13. UZONIA фоиз ставкалари ва UZONIA индекси ҳисоб-китобларида аниқлик ва қулайликни ошириш мақсадида вергулдан кейин 4 та рақам аниқликда эълон қилинади.

14. Мазкур кўрсаткичлар расман эълон қилинганидан кейин ҳақиқий ҳисобланади ҳамда ўзгартириш ва (ёки) тузатиш киритишга йўл қўйилмайди. Агар ҳисоб-китоб жараёнида йўл қўйилган хатолик 0,05 фоиз банддан юқори бўлса, Марказий банк томонидан “тузатилган” UZONIA фоиз ставкалари ва индекси кейинги иш куни давомида қайтадан эълон қилинади.

15. Монетар операциялар департаменти UZONIA фоиз ставкалари ва UZONIA индексининг ҳисобланиши ва эълон қилиниши учун масъул бўлиб, заруратдан келиб чиққан ҳолда маълумотларни LSEG Workspace, Bloomberg ёки бошқа хорижий статистик-ахборот платформаларида эълон қилиб борилишини таъминлайди.

V. Мазкур методологияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

16. Пул бозорида UZONIA фоиз ставкасининг самарадорлигини ошириш, хусусан унинг банклараро пул бозоридаги реал вазиятни ифодалашини ҳамда фойдаланувчилар манфаатини тўғри акс эттиришини таъминлаш мақсадида Марказий банк ушбу методологияни доимий равишда ва камида йилда 1 маротаба қайта кўриб чиқади.

Бунда, киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Пул бозори ишчи гуруҳида атрофлича муҳокама этилади ва муҳокама натижалари Марказий банкнинг Кредит қўмитасига киритилади.

17. Мазкур Методологияга ўзгартиришлар киритиш Марказий банк бошқаруви қарори билан амалга оширилиб, ўзгартиришлар қарорда белгиланган кундан эътиборан кучга киради.